

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ - ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВ ЖОХОНГИР НИШОНБОЕВИЧ

**GaP VA GaAs АСОСИДАГИ ТАРКИБИДА ВИСМУТ АТОМЛАРИ
БЎЛГАН КЎП ТАРКИБЛИ ГЕТЕРОТУЗИЛМАЛАРНИНГ ФИЗИК
ХОССАЛАРИ**

01.04.10 - Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
Диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Усмонов Жохонгир Нишонбоевич

GaP ва GaAs асосидаги таркибида висмут атомлари бўлган кўп
таркибли гетеротузилмаларнинг физик хоссалари..... 3

Усмонов Жохонгир Нишонбоевич

Физические свойства многокомпонентных висмутосодержащих
гетероструктур на основа GaAs и GaP..... 21

Usmonov Joxongir Nishonboyevich

Physical properties of multicomponent bismuth-containing heterostructures
based on GaAs and GaP..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВ ЖОХОНГИР НИШОНБОЕВИЧ

**GaP VA GaAs АСОСИДАГИ ТАРКИБИДА ВИСМУТ АТОМЛАРИ
БЎЛГАН КЎП ТАРКИБЛИ ГЕТЕРОТУЗИЛМАЛАРНИНГ ФИЗИК
ХОССАЛАРИ**

01.04.10- Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/FM264 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ispm.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбари:	Зайнабидинов Сирожиддин Зайнабидинович физика-математика фанлари доктори, профессор ЎзР ФА академиги
Расмий оппонентлар:	Арипов Хайрулла Кабилович физика-математика фанлари доктори, профессор Зикриллаев Нурулла Фатхуллаевич физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «11» 08 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (99871) 248-79-94, факс: (99871) 248-79-92, e-mail: info@ispm.uz).


Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. (24 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (99871) 248-79-59, e-mail: info@ispm.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «27» 08 кuni тарқатилди.
(2021 йил «27» 08 даги 27 рақамли реестр баённомаси).



 **Ш.Б. Утамурадова**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф. д., профессор

 **Ж.Ж. Хамдамов**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, (PhD)

 **Х.К. Арипов**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф. д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Ҳозирги даврда микро- ва наноэлектрон яримўтказгичли қурилмалар ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши янги турдаги материаллар ва тузилмалар яратиш учун материалшунослик ва асбобсозлик соҳасидаги тадқиқотларни рағбатлантиради. Ушбу йўналишда GaAs, GaP ва бошқа монокристалл бинар бирикмалари асосида кўптаркибли яримўтказгичли қаттиқ қоришмаларни олиш муҳим ҳисобланади. Уларнинг электрик ва фотоэлектрик хоссаларини ўрганиш, шунингдек, янги ва ҳали ўрганилмаган хусусиятлари олимлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг эътиборини тобора кўпроқ жалб этмоқда. Бу хоссалар юқори фотосезувчанлик, ёруғлик ютиш спектрал соҳасини кенгайтириш, яроқлилиқ муддатини орттириш ҳамда юқори тезликда ишлаш каби ноёб хусусиятли электрон қурилмалар тайёрлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида аввалдан белгиланган параметрли кўптаркибли ҳамда кўпқатламли яримўтказгичли тузилмаларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш, қатламлараро бўлиниш чегараси ҳолатини, тайёр маҳсулотлар хусусиятларига киришма элементлари ва ташқи омиллар таъсирини аниқлаш истиқболли йўналишлар ҳисобланади. Шу сабабдан жаҳоннинг кўплаб етакчи илмий тадқиқот марказлари кўптаркибли юпқа қатламли қаттиқ қоришмаларни ва гетеротузилмаларни олиш технологияларини, уларнинг таркибий қисмлари, киришма атомларини шунингдек, ҳарорат, нурланиш, намлик ва бошқа турдаги ташқи омилларни улар асосидаги электрон қурилмаларнинг электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятларига таъсирларини ўрганишга катта эътибор қаратмоқда.

Республикаимизда кремний, германий, арсенид галлий, галлий фосфиди асосида юпқа қатламли кўптаркибли яримўтказгичли қаттиқ қоришмалар ва гетеротузилмалар олиш ҳамда турли қатламлар сирти ва бўлиниш чегараларидаги физик жараёнлар механизмларини аниқлаш бўйича самарали илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, арзон ва юқори самарали нанообъектли юпқа плёнкали гетеротузилмаларни олиш, уларнинг физикавий параметрларини аниқлаш ҳамда уларни оптоэлектрон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, ...»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур йўналишда микроэлектроника қурилмаларини ишлаб чиқиш учун янги турдаги яримўтказгич материаллар – қаттиқ қоришмаларни яратиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ 4947-сонли фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сон “2017-2021 йилларда электротехника саноати бошқарувини жадал ривожлантириш ва диверсификациялашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертацияда олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияни ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергия, энергия ресурсларини тежаш, транспорт, машинасозлик ва асбобсозлик; замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозликни ривожлантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Кейинги йилларда А.Ф. Иоффе номидаги Физика техника институтида Ж.И. Алферов ва ҳамкасблари томонидан ўтказилган кенг қамровли тадқиқотлар, молекуляр нур эпитакия усули ёрдамида олинган GaAs асосида яримўтказгичли қаттиқ қоришмалар ҳамда кўпқатламли гетеротузилмаларни янги турдаги яримўтказгичли лазерларда фойдаланиш имкониятиларини кўрсатди. Олинган натижаларни юқори баҳолаиб, Физика соҳасида Нобел мукофоти билан тақдирланди. Ж.И. Алферов, М.С. Саидов ва уларнинг издошлари суюқ фазали эпитакия усули ёрдамида қаттиқ қоришмалар ва гетеротузилмаларни олиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Олинган юқори сифатли $(\text{Ge}_2)(\text{ZnSe})$, $(\text{GaAs})(\text{ZnSe})$, $(\text{GaP})(\text{ZnSe})$ қаттиқ қоришмаларнинг ва бошқа $p\text{-GaAs-}n\text{-(Ge}_2\text{)}_{1-x}(\text{ZnSe})_x$ ва $p\text{-Si-}n\text{-(GaP)}_{1-x}(\text{ZnSe})_x$ гетеротузилмаларнинг кристаллик тузилиши мукамаллик даражаси юқори эканлиги кўрсатилди, бундай қаттиқ қоришмаларда икки атомли GaAs, ZnSe бирикмалари билан нисбатан кичик таъқиқланган соҳали яримўтказгичлар Ge ва Si валент соҳасида энергетик сатҳларни шакллантиришга олиб келиши ва янги турдаги фотоэлектрик қурилмалар яратилиш имконини бериши аниқланди. Андижон давлат университети олимлари С.З. Зайнабидинов, А.Й. Бобоевлар GaAs асосида олинган қаттиқ қоришмалар, бинар бирикмалар ва гетеротузилмаларнинг тузилмавий асослари ва электрофизик хоссаларини тадқиқ қилдилар ҳамда кўптаркибли $n\text{-GaAs-}p\text{-(GaAs)}_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ гетеротузилмасини олишнинг оптимал шароитларни аниқладилар.

Диссертация мавзуси бўйича мавжуд илмий адабиётларнинг таҳлили, бу соҳада олиб бораётган бир қатор илмий тадқиқот марказлар кўламининг кенглигини яримўтказгичли қаттиқ қоришмалар ҳамда гетеротузилмаларнинг хоссаларига бўлган қизиқишнинг юқори эканлигини кўрсатмоқда. Кўплаб

тадқиқот натижаларига қарамай, бу соҳада ҳали ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. Бу биринчи навбатда, мукамаллик даражаси юқори бўлган қаттиқ қоришмалар ва гетеротузилмалар олиш технологияларини такомиллаштириш, кўптаркибли тизим элементларининг оптимал танлови, таркибий элементларининг ва нуқсонларнинг ўзаро таъсир механизмлари, ҳамда уларнинг хусусиятларига ташқи омилларнинг таъсирларидир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Андижон давлат университетида 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф2-68 рақамли "Кристалларда киришма атом нуқсонли микро ва нано- бирикмалар ҳосил бўлиш механизмлари ва уларнинг кенг имкониятли кўп қатламли тузилмаларни яратишдаги роли" ҳамда Андижон машинасозлик институтида 2016 йилда бажарилаган Ф-2-001 рақамли "Радиация таъсирида яримўтказгичли GaAs/Ge/ZnSe қаттиқ қоришмасида заряд ташувчиларни кўчиши ва ёруғликка сезгирлиги" мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида тайёрланган.

Тадқиқотнинг мақсади. GaP ва GaAs асосида янги кўптаркибли, висмут киришма атомлари бўлган қаттиқ қоришмалар ва гетеротузилмаларнинг электрофизик хоссаларини тадқиқ қилиш ҳамда уларни олиш оптимал технологик шароитларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

A^{3B^5} ва A^{2B^6} турдаги яримўтказгичли бирикмалари асосида узлуксиз беш компонентли қаттиқ қоришмаларнинг ҳосил бўлиш термодинамикасини аниқлаш;

висмут киришма атомлари бўлган $(GaAs_{1-\delta}Bi_{\delta})_{1-x-y}(Ge_2)_x(ZnSe)_y$ юпқа пленкаларини суюқ-кристалланиш ҳолатидан олишнинг оптимал технологик шароитларини аниқлаш;

$(GaAs_{1-\delta}Bi_{\delta})_{1-x-y}(Ge_2)_x(ZnSe)_y$ кўпқатламли юпқа пленкаларнинг тузилмавий хоссалари ва электрофизик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

олинган пленка сиртида ўз-ўзидан ҳосил бўлувчи $GaAs_{1-\delta}Bi_{\delta}$ ва ZnSe нанокристалларини ҳосил бўлиш механизмларини ва уларнинг тузилмавий катталикларини аниқлаш;

$n-(GaP)-p-(GaAs_{1-\delta}Bi_{\delta})_{1-x-y}(Ge_2)_x(ZnSe)_y$ гетеротузилмларининг фото-сезгирлиги ва уларда ток ўтиш механизмларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқот объекти GaP ва GaAs монокристалл тагликлари ва $(GaAs_{1-\delta}Bi_{\delta})_{1-x-y}(Ge_2)_x(ZnSe)_y$ эпитаксиал қатламлари, шунингдек, улар асосида тайёрланган гетеротузилмалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Суюқ фазали эпитаксия усули ёрдамида GaP ва GaAs тагликларига $(GaAs_{1-\delta}Bi_{\delta})_{1-x-y}(Ge_2)_x(ZnSe)_y$ эпитаксиал қатламларини ўстириш технологиялари ва уларнинг тузилиши, эпитаксиал қатлам сиртида ҳосил бўладиган нанокристалларининг сиртий зичлигини, геометрик шакллари ва ёнбош (латераль) ўлчамларини аниқлаш, шунингдек гетеротузилмаларининг фото- ва электрик хоссаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишини бажариш мобайнида юпка қатламларни ўстириш учун суюқ фазали эпитаксия усулидан, тузилмавий таҳлиллар учун XRD-6100 рентгенодифрактометрдан, морфологик таҳлиллар учун атомий куч микроскопидан (Solver NexT), спектрал фотосезгирлигини аниқлаш учун CARLZEISJENA фирмаси монохроматоридан ва бошқа турли стандарт қурилмалардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

(111) ва (100) кристаллографик ориентацияли GaP ва GaAs монокристалл тагликлар сиртига ўстирилган $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмалар кўптаркибли юпка пардаларининг тузилмавий параметрлари сифатли юпка пардаларнинг тузилмавий хоссаларига тўлиқ мос келиши аниқланган;

суюқ фазали эпитаксия усулида висмут ҳосил қилувчи аралашма-эритмадан $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ эпитаксиал қатламларни ўстиришнинг оптимал технологик шароитлари аниқланган;

ўстирилган $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ юпка қатламлари сфалерит тузилишга эга, ўлчамлари 62 нм ли блоклардан иборат (111) ориентацияли монокристалл эканлиги ва юпка парданинг кристалл панжара параметри $a_f = 0,5656$ нмга тенглиги аниқланган;

$n\text{-GaAs-}p\text{-(GaAs)}_{1-x}(\text{Ge}_2)_x$ гетеротузилмасининг максимал спектрал фотосезгирлиги фотон энергияси 1.34 эВ га тенг бўлганда $n\text{-}p$ ўтиш чегарасидаги Ge_2 молекулаларининг GaAs молекулалари билан қисман ўрин алмашилиши натижасида ҳосил бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. $n\text{-GaP-}p\text{-(GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ гетеротузилмасини тўғриловчи диод ҳамда кўзга кўринувчи ва ультрабинафша нурлар соҳаларида ишловчи фотоқабулқилгичлар учун фотоэлемент сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: яхши синалган экспериментал ва мустақил усуллар мажмуаларидан: электр ва ёруғликка сезгир қурилмалар, инфрақизил ва рентген спектрометрлари, атом кучи микроскопи; кабилардан фойдаланилганлиги натижаларнинг ижобий тақрорийлиги; уларнинг умумий физик қонунлар ва визуал кузатиш натижалари билан таққослаш, ўхшаш ҳодисалар ҳақидаги умумий физик тасаввурларга зид эмаслиги; умумий физикавий қонуниятлар билан визуал кузатишларнинг мос келиши.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти $n\text{-GaP-}p\text{-(GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ турдаги гетеротузилманинг селектив сезгирлик табиати, кўп қатламли гетеротузилмаларда кўптаркибли қаттиқ қоришмаларда ток ўтиш механизмлари назарий жиҳатдан асосланган.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти электрон қурилмалар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кўптаркибли гетеротузилмаларнинг юпка қатламларини олишнинг оптимал технологик шароитларни аниқланганлиги.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Суюқ фазали эпитаксия усулида висмутли қоришма-эритмасидан $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ эпитаксиал қатламларни ўстириш ва уларнинг электрофизик хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

квант нанообъектларининг ўлчамига, шаклига ва уларнинг зичликларига ўсиш ҳарорати оралиғи, совутиш тезлигига ва технологик меъёрларни таъсирини аниқлаш усуллари ЎзР ФА ЯФИ Ф2-ФА-Ф120 рақамли “Кичик ўлчамли юқори ҳароратли ўтаўтказгичлар, яримўтказгичли гетеротузилмалар, металл ва улар оксидларининг электрон хоссалари ва радиациявий такомиллаштирилиши” мавзусидаги лойиҳада қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясидан 2021 йил 12 апрелдаги олинган 2/1255-1051 рақамли маълумотнома);

GaP асосидаги GaAs/Bi/Ge/ZnSe гетротузилмаларни олиш, уларда ҳосил бўлган нанообъектларнинг табиати ва тақсимотини бошқариш, улардан кўринувчи ва ультрабинафша нурлар соҳаларида ишловчи электрон асбобларда фотоактив элемент сифатида фойдаланиш бўйича олинган натижалардан «FOTON» АЖда ишлаб чиқариладиган яримўтказгичли электрон қурилмалар тайёрлашда фойдаланилган (“Ўзэлектрсаноат” акциядорлик компаниясининг 2021-йил 5-апрелдаги 04-3/645 рақамли маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 8 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб ва хулосадан ташкил топган. У 120 саҳифада ифодаланиб, 27 та расмларни, 7 та жадвалларни ва 100 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги, ишнинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган асосий натижалар ва уларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

“ A^3B^5 ва A^2B^6 яримўтказгичлар асосидаги кўптаркибли эпитаксиал қатламларнинг хоссалари” номли биринчи бобда $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмаларнинг ўстириш усуллари, электрофизик ва тузилмавий характеристикалари, шунингдек, улар асосида суюқ фазали

эпитаксия усулида кўптаркибли қаттиқ қоришмалари юпка пардаларини олиш ҳақида қисқача илмий адабиётлар таҳлили келтирилган.

Адабиётлардаги маълумотлар таҳлили икки ва уч таркибли яримўтказгичли қаттиқ қоришмаларнинг хоссалари, уларнинг олиш технологияси, тузилмавий ва физикавий хусусиятлари батафсил тадқиқ этилганини кўрсатади. Яримўтказгичли кўпқатламли гетеротузилмаларнинг қатламли табиати қаттиқ қоришманинг кристалл панжарасининг фонон спектрини ва электрон энергетик спектрини ўзгаришига олиб келади, бу эса улардаги электронлар ҳаракатчанлигини элементар яримўтказгичлардаги электронларнинг ҳаракатчанлигига нисбатан ортишини кўрсатади. Ҳозирча бунинг сабаблари ноаниқ бўлгани учун, тахминларга кўра, кўптаркибли яримўтказгичли қаттиқ қоришмаларда гетероўтишлар қатламлари орасида кескин чегара юзага келиши туфайли электронлар ҳаракатчанлигининг ортиши кузатилади. Шунинг учун кўптаркибли яримўтказгичли қаттиқ қоришмалар ва гетероўтишларни ишлаб чиқариш технологияларини ва уларни физикавий хусусиятларини ўрганиш замонавий яримўтказгичли электрониканинг долзарб муаммоларидан биридир.


Диссертациянинг “Тадқиқот усуллари ва олиниш технологияси” номли иккинчи бобида $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмаларни ўрганишнинг тажрибавий усуллари, суюқ фазадан эпитаксиал қатламларни олиш технологияси ва яримўтказгич материалларнинг тузилишини, ҳамда электр хоссаларини ўрганиш қурилмасига оид маълумотлар баён этилган.



1-расм. $T_{\text{д.к.}}=730\text{ }^{\circ}\text{C}$ ҳароратда ўстирилган $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмаси сиртининг атом кучи микроскопи тасвири

GaP тағлигига $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмасини ўстириш учун суюқ фаза эпитаксия усули ёрдамида висмут ҳосил қилувчи аралашма-эритмадан амалга оширилди. Тағлик (111) кристаллографик ориентацияга эга. Кристалланишнинг дастлабки ҳарорати $750\text{ }^{\circ}\text{C}$ ташкил қилди. Аввал алоҳида тажрибалар асосида ҳамда эпитаксиал қатлам кристалланишининг дастлабки ҳароратига мос келадиган Bi-GaAs-Ge-ZnSe қоришма-эритмасининг таркиби аниқланди.


Ўстириш жараёни тағликларни бир неча градусга совутилган қоришма-эритмага ботириш орқали амалга оширилади, чунки аралашма-эритма галлий арсенидига нисбатан тўйинмаган бўлади. Ўтказилган тажрибалар тағликларнинг эришини олдини олиш учун зарур бўлган дастлабки совутишнинг оптимал қиймати $\Delta T=6-8\text{ }^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилишини кўрсатади.



2-расм. $T_{н.к.}=750\text{ }^{\circ}\text{C}$ ҳароратда ўстирилган $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмаси сиртининг атом кучи микроскопи тасвири.

«Solver-NEXT» атом кучи микроскопи ёрдамида ўтказилган морфологик тадқиқотлар асосида эпитаксиал қатламлар кристалланишнинг бошланғич ҳарорати $T=730\text{ }^{\circ}\text{C}$ да GaP тагликлар сиртида фақатгина дендритлар шаклланиши аниқланган. Ушбу ҳолатда GaP тагликларида сифатли $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_{1-x}(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмаларини олиш имкони мавжуд эмаслиги кўрсатилди.

Эпитаксияланишнинг дастлабки ҳарорати $T=750\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши билан шаклланган оролчалар бир-бири билан бирлашиб, узлуксиз қатлам ҳосил бўлди. Лекин бундай қатламлар текис сиртлар ва бир қанча наноўлчамдаги объектлар, яъни нанооролчаларга ҳам эга (1-расм.). Кристалл панжаралар домийси a нинг ($a_{\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta}}=5.9\text{ \AA}$) ($a_{\text{GaAs}}\approx a_{\text{Ge}}\approx a_{\text{ZnSe}}=5.6\text{ \AA}$) номувофиклиги 4% ни ташкил этганлиги туфайли бундай натижаларнинг кузатилишига олиб келади. Бундан ташқари уларнинг хона ҳароратида иссиқликдан кенгайишининг чизикли коэффицентлари бир-биридан анча фарқ қилади: $\alpha_{\text{GaP}}=5,3\cdot 10^{-6}\text{ град}^{-1}$, $\alpha_{\text{GaAs}}=6,4\cdot 10^{-6}\text{ град}^{-1}$, $\alpha_{\text{GaAs}}=6,1\cdot 10^{-6}\text{ град}^{-1}$ ва $\alpha_{\text{ZnSe}}=7\cdot 10^{-6}\text{ град}^{-1}$.



3-расм. $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмалар эпитаксиал қатламлари қалинлигини тагликлар орасидаги масофа бўйича тақсимооти a - юқори таглик учун, b - назарий боғлиқлик, c - пастки таглик учун.

Тажрибаларда кузатилган иссиқлик кенгайиш коэффицентларининг бундай фарқи $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмали эпитаксиал қатламларининг ёрилиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин.

3-расмдаги экспериментал натижаларнинг кўрсатишича қалинлик ўлчаш хатолиги доирасида, қуйидаги ифода билан тавсифланган тўғри чизикқа мос келади

$$d_{(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y} = \frac{\delta}{2} \left[\frac{A_1}{\rho_1} (1-x-y) + \frac{A_2}{\rho_2} x + \frac{A_3}{\rho_3} y \right] \cdot \frac{\rho}{A} [C_1 + C_2 + C_3] \quad (1)$$

пастки ва юқори тагликлар орасидаги тиркиш ≈ 0.8 мм га етганга қадар экспериментал натижалар назарий чизикдан катта фарқ қилади. Бу ерда, x ва y -таркибида Ge ва ZnSe бўлган A_1, A_2, A_3, A ва $\rho_1, \rho_2, \rho_3, \rho$ қаттиқ қоришмасидаги галлий арсениди, германий, рух селениди ва висмутнинг суюқлик фазасидаги молекуляр оғирликлари ва зичлиги: C_1, C_2, C_3 галлий арсенид, германий ва рух селенларнинг молекуляр улушлари: δ - бу тагликлар орасидаги бўшлиқнинг катталиги. Германий ва рух селеннинг молекуляр оғирликлари ва зичликларининг катталиги бир-бирига яқин бўлгани учун, $\frac{A_1}{\rho_1} \approx \frac{A_2}{\rho_2} \approx \frac{A_3}{\rho_3}$, (1) ифода билан тасвирланган назарий чизиклар ён бағирлари турли « x » ва « y » учун деярли бир хил бўлади.


Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қуйи ва юқори тагликларда ўстирилган қаттиқ қоришмали қатламларининг тузилмавий мукамаллиги ҳам бир-биридан фарқ қилади. Пастки тагликларда силлиқ юзали, бошқа барча шароитлари бир хил бўлган ҳолда, тузилмавий мукамалроқ эпитаксиал қатламлар олинади.

Шунингдек, эпитаксияланишнинг дастлабки ҳароратининг ортиши билан қуйи ва юқори тагликларда ўстирилган қатламларнинг тузилмавий мукамаллиги яхшиланади.

Олинган эпитаксиал қатламлар қалинлигининг оралиқ "8" қийматига боғлиқлигини қуйидагича тушунтириш мумкин (4-расм). Маълум ҳароратда тутиб турилган аралашма-эритмада эритилган таркибий қисмлар аралашма - эритма ҳажми бўйича бир текис тақсимланади ва аралашма-эритма германийга нисбатан ҳам, рух селенга нисбатан ҳам тўйинганлиги сабабли $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_\delta)_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_{1-x}(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришманинг чўкмалари суюқ фазасини ҳосил қилади ҳамда улар гравитацион майдон таъсирида аралашма-эритмада қайта тақсимлана бошлайди. Шундай қилиб, аралашма-эритмада конвексия оқимлари пайдо бўлади. $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_\delta)_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_{1-x}(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришманинг зичлиги эритувчининг зичлигидан паст бўлганлиги сабабли бундай конвексия оқимлари қаттиқ қоришма массасини юқори кристалланиш фронти томонига етказиб беришни кўпайтиради.


Шунинг учун бошқа барча шартлар бир хил бўлиши, юқори таглик устида қаттиқ қоришма қатламлари ўсиш тезлиги сезиларли юқори бўлганлиги туфайли қалин қатламлар шаклланишига олиб келиши мумкин. Ўсиш тезлигининг ортиши ҳам қатламлар тузилмавий мукамаллигининг ёмонлашувига олиб келади. 0,8 мм дан кичик оралиқларда қоришма-эритмада конвексия оқимларининг ҳосил бўлиши тўлиқ амалга ошмайди ва ўсиш фақат компонентларнинг молекуляр диффузияси туфайлигина амалга оширилади.

Шундай қилиб, қатламларнинг ўсиши палладий билан тозаланган водород атмосферасида мажбурий совутиш йўли билан 1–1.5 град/мин тезликда амалга оширилди. Қатламларнинг кристалланиши 750–650°C ҳарорат оралиғида ўтказилди. Ўстирилган эпитаксиал тагликлар 10 μm гача бўлган қалинликда, солиштира қаршилиги 10 Ом·см ва заряд ташувчилар концентрацияси $1.5 \times 10^{16} \text{ см}^{-3}$ билан p -тур ўтказувчанликка эга.



4-расм. Эритмадаги компонентларнинг тақсимланиши-кристалланиш вақтида $\delta > 0.8$ мм да тагликлар орасида жойлашган эритмалар.

XRD-6100 (Shimadzu, Япония) қурилмасида тагликлар ва эпитаксиал қатламларнинг тузилмавий тадқиқотлари амалга оширилди. Рентген найчасига берилган кучланиш 40.0 кВ ва ток кучи 30.0 мА. XRD-6100 билан олинган тажриба натижаларини Фуллпроф дастури ёрдамида Ритвелд усулида ўрганилди.




5-расм. $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмали эпитаксиал қатлам қалинлиги бўйича $\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta}$, Ge_2 ва ZnSe ларнинг тақсимланиши.

«Jeol» JSM 5910 LV-Япония рентген микроанализатори ёрдамида $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ-қоришмали эпитаксиал қатламнинг қиялиги ва сиртининг кимёвий таркиби ўрганилди. Олинган натижалар таҳлилига кўра Ge, Zn ва Se атомларининг плёнка қалинлигининг дастлабки уч микронигача бўлган соҳасидаги тақсимланиш бир текисда эканлигини кўрсатди. Қалинлик 3 дан 7 мкм гача бўлганда тақсимланиш кескин ўзгаради ва деярли Гаусс кўринишига эга бўлиб қолади. Ga, As ва Bi элементлар учун ушбу қалинлик оралиғида аста-секин уларнинг таркиби камайиб боради. Кейин барча элементлар учун улар таркибининг турли қийматлари билан бир текис тақсимланиши ўрнатилади: галлий учун 24 % да, мишьяк-12% да, висмут-10 % да, германий учун-31 % да, селен учун 9 % ва рух учун 14 % да $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{0.46}(\text{Ge}_2)_{0.31}(\text{ZnSe})_{0.23}$ қаттиқ қоришмани шакллантириш шароити учун мос келади.

"Нанокристалли қаттиқ қоришмаларнинг тузилиши ва морфологияси" деб номланган учинчи бобда GaP таглик тузилиши ва $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ ўстирилган эпитаксиал қатламлар ҳамда бундай қаттиқ

коришмаларнинг электрон микроскопик тадқиқотлари натижалари келтирилган.


6-расмда GaP монокристалл таглигининг рентгенограммаси келтирилган. Дифраксион расмда турли интенсивликдаги селектив табиатга эга бўлган тузилмавий рефлекслар кузатилиши кўрсатилган. Олинган натижалар ва уларнинг таҳлиллари фойдаланилаётган таглик сирти (111) кристалланиш текислигига мос келишини кўрсатади. Бунинг тасдиғи сифатида рентгенограммада яна бир қатор (ННН) сериядаги селектив рефлекслар (бу ерда $(H=1,2,3\dots)$ $d/n = 0,3141$ ($2\theta = 28,4^\circ$) да $(111)_{\text{GaP}}$ ва $d/n = 1,046 \text{ \AA}$ ($2\theta = 94,9^\circ$) да $(333)_{\text{GaP}}$ юқори интенсивликдаги чўққилар) кузатилган. Уларни β ташкил этувчисининг мос равишда $2\theta = 25,7^\circ$ ва $2\theta = 83,3^\circ$ сочилиш бурчагида кузатилган. Дифраксион расмдаги юқори сочилиш бурчакларида таглик кристалл панжарасида жуда кучсиз интенсивликдаги $(331)_{\text{GaP}}$ $d/n = 1,2479 \text{ \AA}$ ($2\theta = 76,3^\circ$) тузилмавий рефлекслар кузатилган. Асосий рефлекснинг юқори интенсивлиги ва ингичка кенглиги, шунингдек рентгендифрактограмманинг ноэластик фон сатҳининг монотон табиатга эгалиги таглик кристалл панжарасининг мукамаллигини кўрсатади.



6-расм. GaP таглигини рентгенограммаси.

Бундан ташқари, α_1 ва α_2 нурланишлар бўйича асосий рефлекснинг кучсиз ажралиши (7, а расм), унинг бузилган шаклини, яъни таглик кристалл панжарасида эластик кичик кучланишларнинг мавжудлигини кўрсатади. Бу хулоса галлий фосфид панжараси учун $d/n = 2,7473 \text{ \AA}$ да $(200)_{\text{GaP}}$ ва $d/n = 1,5684 \text{ \AA}$ да $(222)_{\text{GaP}}$ рентгенограммадаги тақиқланган акслантириш мавжудлигини кўрсатади. Унинг интенсивлиги асосий чўққининг интенсивлиги $(111)_{\text{GaP}}$ га боғлиқ, чунки $I(200)/I(111) = 3.55 \times 10^{-4}$ ва $I(22)/I(111) = 7,2 \times 10^{-3}$ ($(111)_{\text{GaP}}$, интенсивлиги 10^{-4} дан катта.


Ушбу далиллар галлий фосфид молекулаларининг таглигни асосий кристалл панжаралари бўйлаб тугунлар аро бир хил тақсимланишини ва микро-бузилишларга эга локал ҳудудларнинг мавжудлигини кўрсатади. Дифраксион акслантиришларнинг сусайиши қонунларига кўра, $(222)_{\text{GaP}}$ рефлекси олмоғсимон тузилишдаги кристалл панжаранинг рентгенграммасида мавжуд бўлмаслиги керак. У фақат панжарада бузилишлар (эластик микрозўриқишлар) ҳисобига пайдо бўлади.



7-расм. GaP таглигини (a) (111) va (b) (333) рефлекслари

$d/n = 1,046 \text{ \AA}$ ($2\theta = 94,9^\circ$) даги $(333)_{\text{GaP}}$ тузилма чиғиғининг α_1 ва α_2 нурланишлар бўйича яхши (ҳисоб-китобга яқин) ажралиши (7-б расм) ва асосий рефлекснинг кучсиз ажралаиши $(111)_{\text{GaP}}$ (7-а расм) эластик кучланиш асосан тагликнинг сиртга яқин қатламида тўпланганлигини кўрсатади.

Таглик панжараси қийматининг тажриба ёрдамида аниқланган катталиги $a_s = 5,448 \text{ \AA}$ бўлиб, у $a_{\text{GaP}} = 5,445 \text{ \AA}$ жадвалларда келтирилган қиймати билан таққосланади². Бузилган кристалл панжара соҳасининг ҳажмий улуши монокристаллнинг бутун ҳажмига нисбатан жуда кам эканлигини кўрсатади.



8-расм. $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_\delta)_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ эпитаксиальқатламнинг рентгенограммавий тузилиши.


8-расмда $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_\delta)_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ ўстирилган эпитаксиал қатламнинг рентгенограммаси келтирилган. У тагликнинг рентгенграммасидан сезиларли даражада фарқ қилиб, унда интенсивлик қийматлари бўйича турли тузилмавий рефлекслари кузатишган. Ушбу натижаларнинг таҳлили рентгенограммада $\{hkl\}$ сериясидаги (бу эрда $h, k, l=1, 2, 3, \dots$) юқори интенсивликдаги селектив рефлекслар кетма-кетлигини: $d/n = 3.44 \text{ \AA}$ да $(111)_{\text{GaAs,Ge,ZnSe}}$, $d/n = 1.631 \text{ \AA}$ да $(222)_{\text{GaAs,Ge,ZnSe}}$, ва $d/n = 0.9422 \text{ \AA}$ да $(333)_{\text{GaAs,Ge,ZnSe}}$ каби тузилма чизикларининг кузатилиши, олинган пленкаларнинг сирти (111) кристаллографик ориентацияга эга эканлигидан далолат беради. Уларнинг β – ташкил этувчилари мос равишда $2\theta_{(200)} = 25.6^\circ$, $2\theta_{(400)} = 52.8^\circ$ ва $2\theta_{(600)} = 83.5^\circ$ сочилиш бурчакларида кузатишган. Бундан ташқари рентгенограммада турли

²Краткий справочник физико–химических величин. Под ред. А.А. Равделя и А.М. Пономаревой. –Л.: Химия, 1983. –232 с.


интенсивликка эга бўлган янги тузилма чизиқлари: $d/n = 2.305 \text{ \AA}$ да $(112)_{\text{GaAs}}$, $(2\theta = 38.5^\circ)$, $d/n = 2.273 \text{ \AA}$ ($2\theta = 39.4^\circ$) да $(110)_{\text{Bi}}$, $d/n = 2.001 \text{ \AA}$ ($2\theta = 45.19^\circ$) да $(220)_{\text{GaAs,Ge,ZnSe}}$, $d/n = 1.868 \text{ \AA}$ ($2\theta = 48.46^\circ$) да $(220)_{\text{Bi}}$, $d/n = 1.491 \text{ \AA}$ ($2\theta = 62.16^\circ$) да $(116)_{\text{Bi}}$, $d/n = 1.297 \text{ \AA}$ ($2\theta = 72.68^\circ$) да $(331)_{\text{GaAs,Ge,ZnSe}}$ ва $d/n = 1.155 \text{ \AA}$ ($2\theta = 83.46^\circ$) да $(422)_{\text{GaAs,Ge,ZnSe}}$ ҳам пайдо бўлган.

Шунингдек, рентгенодиффрактограммада яна учта $d/n = 3.955 \text{ \AA}$ ($2\theta = 22.3^\circ$) да $(003)_{\text{Bi}}$, $d/n = 1.413 \text{ \AA}$ ($2\theta = 66.1^\circ$) да $(400)_{\text{GaAs,Ge,ZnSe}}$ ва $d/n = 1.245 \text{ \AA}$ ($2\theta = 75.1^\circ$) да $(420)_{\text{GaAs,ZnSe}}$ сфалерит тузилма учун хос бўлган кучсиз тақиқланган тузилма чизиқлари кузатилган. Уларнинг интенсивлигини асосий рефлекс (111) интенсивлигига нисбати мос равишда $I(003)/I(400)=5.1 \times 10^{-4}$, $I(400)/I(111)=5.7 \times 10^{-4}$ ва $I(420)/I(111) = 2 \cdot 10^{-4}$ га тўғри келади. Ушбу қийматлар 10^{-4} дан биров юқорирокдир, бу эса олмооссимон кристалл панжарадаги киришмаларнинг бир хил тақсимланишига мос келади³. Асосий рефлекс $(111)_{\text{GaAs,Ge,ZnSe}}$ нинг ингичка кенглиги ($FWHM=5.51 \cdot 10^{-3}$ рад) ва юқори интенсивлиги ($2 \cdot 10^5$ имп·с⁻¹), кристалл панжарасининг юқори даражадаги мукамаллигини билдириб, ўстирилган плёнка (111) кристаллографик ориентацияли монокристалл эканлигини кўрсатади. Кристалл панжара қиймати ва субкристаллитларнинг (блокларининг) ўлчамлари юқоридаги чўққининг кенглиги бўйича мос равишда $a_f = 0,5656 \text{ \AA}$ ва $620 \text{ \AA}$ ларга тенглиги аниқланди.

"Висмут таркибли нанообъектли гетеротузилмаларнинг электрофизик ва фотоэлектрик хоссалари" номли тўртинчи бобда турли ҳароратларда қоронғуликдаги вольтампер характеристикасининг натижалари ҳамда тайёрланган гетеротузилмаларнинг фотосезгирлиги спектрал боғлиқликлари бўйича тадқиқ натижалари келтирилган.



а



б

9-расм. “ $n\text{-GaP-p-(GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ гетеротузилма-ларининг турли ҳароратларда(а) яримлогарифмик ва (б) логарифмик масштабдаги ВАХ си.

$n\text{-GaP} - p\text{-(GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ эпитаксиал қатламлар асосида тайёрланган гетеротузилмасининг вольтампер характеристикаси (ВАХ) ни текшириш учун намунага кумушни вакумда пуркаб ўтказиш усулида омик контакт олинди. 9-а расмда хона ҳароратида ўлчанган типик ВАХ ва унинг

³ Шулпина И.Л., Кютт Р.Н., Ратников В.В., Прохоров И.А., Безбах И.Ж., Щеглов М.П.. Методы рентгеновской дифракционной диагностики сильнолегированных монокристаллов полупроводников. Журнал технической физики 2010, Том. 80, Вып. 4. стр.105-114.

тўғри йўналиши кўрсатилган. Тузилмага берилаётган кучланишнинг бир хил қийматларида тўғри ток кучини (J_{dir}) тескари ток кучига (J_{rev}) нисбати $k = J_{\text{dir}}/J_{\text{rev}}$ коэффициентли тўғриловчи хусусиятига эга бўлиб, берилаётган кучланишнинг дастлабки 0.7 дан 10 В гача ўзгарганда k - 2 дан 100 гача қийматларни қабул қилади.

ВАХ нинг тўғри йўналишида 10 В гача бўлган кучланиш оралиғида токнинг тўйиниши кузатилмайди, бу эса сиртий ҳолатларининг зичлигини камлигини кўрсатади. Намунага берилаётган кучланишнинг дастлабки 0 дан 0.5 В гача орттирилганда $J \approx U^\alpha$ токнинг кучланишга боғлиқлиги $\alpha = 1$ кўрсаткичли Омик соҳа кузатилди. 9-б расмдан токнинг кучланишга боғлиқлиги $J \sim J_0 e^{U_x}$ турдаги экспоненциал боғлиқликни юзага келаётганини кўриш мумкин. ВАХ натижаларини таҳлил қилиш унинг қуйидаги экспоненциал олд қиймати $J_0 = 48 \mu\text{A}$ катталиқга эга бўлган

$$J = J_0 e^{\frac{qU}{ckT}} \quad (2)$$

кўринишидаги боғланиш билан яхши тавсифланишини кўрсатади. Бундай кучланишларда p - n тузилмалар орқали ток ўтиши номувозанат заряд ташувчилар диффузияси асосида аниқланади⁴ ва ВАХ экспериментал катталиқлари асосида

$$c = \frac{q(U_2 - U_1)}{kT \cdot \ln(I_2 / I_1)} \quad (3)$$

тенглама ёрдамида ҳисобланадиган, экспонента кўрсаткичи “ c ” катталиги билан сезиларли равишда боғлиқ бўлади. Кўрилаётган ҳолатдаги экспонента кўрсаткичи “ c ” нинг хона ҳароратидаги қиймати $c \approx 24,4$ ни ташкил этади. (2) муносабатга мувофиқ равишда бизнинг тузилма узун базали диод ҳисобланади ($d/L_p > 1$, бу ерда, d – диод базасини узунлиги, L_p – асосий заряд ташувчиларнинг диффузия йўли). Бошқа томондан “ c ” катталиқ В.И. Стафеев назарияси бўйича электронлар ва ковакларнинг нисбати, база қалинлигига ва асосий заряд ташувчиларнинг диффузия йўлига боғлиқ бўлади⁵.

$$c = \frac{2b + ch(W / L_p) + 1}{b + 1} \quad (4)$$

Бизнинг ҳолатда $d = 10$ мкм ни ташкил этиб, L_p – асосий заряд ташувчиларнинг диффузия йўли

$$L_p = \sqrt{\frac{\varepsilon \varepsilon_0 kT}{q^2 p}} \quad (5)$$

формуласи билан аниқланади. Бу ерда $C = \varepsilon \varepsilon_0 S/d$ формула ёрдамида экспериментал тадқиқот натижаларидан аниқланадиган ε – диэлектрик сингдирувчанлик, (ε_0 – диэлектрик доимийси, q ва p асосий заряд ташувчилар заряди ва концентрацияси):

⁴ Стафеев В.И. Влияния сопротивления толщии полупроводника на вид вольтамперной характеристики диода // ЖТФ. 1958.– т.28, в.8.– С.1631-1641.

⁵ А.С. Саидов, Ш.Н. Усмонов, М.У. Каланов, К.А. Амонов. Альтернативная энергетика и экология. №15. №137. 2013. ст. 41-45.

$$b = \frac{\mu_n}{\mu_p} \quad (6)$$

электронлар ва ковакларнинг нисбати. $W=20$ мкм ва $b=2.87$ фойдаланиб (5) муносабатдан $L_p \sim 3,87 \cdot 10^{-6}$ м эканини топамиз. Асосий заряд ташувчилар – ковакларнинг ҳаракатчанлиги Холл усули ёрдамида ўлчаниб, $\mu_p = 405$ см²/В·с ни ташкил этиши аниқланди. ($\mu_n = b \cdot \mu_p = 1162,4$ см²/В·с) орқали ноасосий заряд ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги қиймати ҳам баҳоланди). Асосий заряд ташувчилар яшаш вақти ва ҳаракатчанлиги катталиги ($\mu_p \tau_p$) ни

$$\mu_p \tau_p = \frac{qL_p^2}{kT} \quad (7)$$


билан ифодалаш мумкин.

Ҳисоблашлар хона ҳароратидаги $\mu_p \tau_p$ кўпайтма $5,79 \cdot 10^{-6}$ см²/В ни, бу маълумотлар асосида асосий заряд ташувчиларнинг яшаш вақти $\tau_p = 1,73 \cdot 10^{-8}$ с ни ташкил этганини кўрсатди. (2) формуладаги экспонентани олд кўпайтмаси J_0

$$J_0 = \frac{kT}{q} \cdot \frac{S \cdot b \cdot ch(W/L_p)}{2(b+1) \cdot L_p \cdot \rho \cdot tg(W/2L_p)} \quad (8)$$

кўринишга эга бўлади.


Бу ерда S – намуна сирти, ρ - GaP таглиги ва $(GaAs_{1-\delta}Bi_\delta)_{1-x-y}(Ge_2)_x(ZnSe)_y$ қаттиқ қоришмаси (яъни p - n ўтиш) орасидаги солиштирма қаршилик. ВАХ сини экспериментал нуқталаридан аниқланган J_0 катталикнинг хона ҳароратидаги қиймати $48 \cdot 10^{-6}$ А га тенг. (8) тенглама ёрдамида ҳисобланган ўтиш қатламининг (таглик ва эпитаксиал пленка) солиштирма қаршилигининг хона ҳароратидаги қиймати $54,3 \cdot 10^4$ Ом·см ни ташкил этди.



10-расм. $(GaAs_{1-\delta}Bi_\delta)_{1-x-y}(Ge_2)_x(ZnSe)_y$ қаттиқ қоришмасининг 4 К ҳароратдаги фотолюминесценция спектри.

Шунингдек, ўстирилган $(GaAs_{1-\delta}Bi_\delta)_{1-x-y}(Ge_2)_x(ZnSe)_y$ қаттиқ қоришмали эпитаксал қатламнинг 4 К ҳароратдаги фотолюминесценция спектри ўрганилди. 10-расмда $(GaAs_{1-\delta}Bi_\delta)_{1-x-y}(Ge_2)_x(ZnSe)_y$ қаттиқ қоришмали эпитаксиал қатламнинг фотолюминесценция спектри келтирилган. Фотолюминесценция суяқ гелий ҳароратида (4 К) эпитаксиал қатламдан лазер нурланиши ($\lambda_L=325$ нм) билан кўзғатилди ва намунадан чиқаётган сигналларни СДЛ-2 детектори ёрдамида қайд қилинди. 10-расмдан, $(GaAs_{1-\delta}Bi_\delta)_{1-x-y}(Ge_2)_x(ZnSe)_y$ қаттиқ қоришмаси кўзга кўринувчи нурларни тўла


камраб олган кенг спектрга эга бўлиб, энг юқори интенсивликдага фоточўкки $\lambda_{max} = 457$ нм да кузатилган. Бу фоточўкки ZnSe монокристали таъқиқланган соҳаси 2.7 эВ га мос келади.



11-расм. $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ узлуксиз қаттиқ қоришмасининг молекулалари тетраэдрик боғланишининг фазовий конфигурацияси

● – As, ● – Ga, ● – Bi, ● – Ge, ● – Se, ● – Zn.

Маълумки, тоза яримўтказгичли руҳ селен материалида ZnSe молекула атомларини ковалент боғи, яъни $E_{g,\text{ZnSe}} = 2.74$ эВ Ga–As ва Ge–Ge боғларга нисбатан мустаҳкамроқ бўлади. Лекин ZnSe молкулалари қаттиқ қоришма тетраэдр панжарасида GaAsBi бирикмаси ёки жуфтлашган Ge атомлари ўзаро ўрин алмашилиши, яъни уни Ga, As, Bi ва Ge атомлари ўраб олиши натижасида Zn–Se боғ нисбатан кучсизлашади (11-расм).



12-расм. $n\text{-GaP-p-(GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ гетеротузилмасининг энергетик соҳалари диаграммаси

Ушбу ZnSe бирикмасига тегишли бўлган фоточўққини кенг фотолюминесценция спектрида сезиларли даражада ажралиб туриши $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмаси валент соҳаси шифтидан $\Delta E_i = E_{g,\text{ZnSe}} - E_{g,(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x} = 2.7 - 2.38 = 0.32$ эВ пастда жойлашган 2.7 эВ ионланиш энергиясига эга бўлган энергетик соҳа ҳосил қилаётганидан далолат беради.

3.82 эВ энергияга эга бўлган лазер нурланиши эпитакциал қатламнинг сирти бўйлаб соҳаларида деярли тўлиқ ютилганлиги сабабли, фотолюминесцент нурланиш эпитаксиал қатламнинг ушбу қалинлиги 1 мкм соҳаларида содир бўлади. Бироқ 1,5 мкм чуқурликкача эпитаксиал қатламда ZnSe нинг моляр миқдори 10-14 % ни ташкил этади (5-расм). Шунинг учун,

$(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмасида бундай миқдордаги ZnSe молекулари эпитаксиал қатлам валент соҳасида жойлашган изовалент киришма сатҳини мавжудлигини намоён қилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Кристалланишнинг дастлабки ҳароратини $T=750\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача ошириш орқали ўсиш оролчаларини бир-бири билан бирлашиб, когерент нанообъектли узлуксиз эпитаксиал қатлам ҳосил бўлиши аниқланди.

2. $(\text{GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{0.46}(\text{Ge}_2)_{0.31}(\text{ZnSe})_{0.23}$ эпитаксиал қатламларни ўстиришда масса алмашилиш жараёнига тағликлар орасидаги масофа 0,8 мм дан катта бўлганда гравитацион кучлар таъсирида пайдо бўладиган конвексия оқимлари ҳам таъсир этиши аниқланган.

3. Рентгенодифраксия тадқиқотлар ўстирилган плёнкалар (111) кристаллографик ориентацияли, блок ўлчами 62 нм бўлган монокристалли иборат бўлиб, сфалерит тузилишга эга ва плёнканинг кристалл панжараси қиймати $\alpha_{\text{плёнка}} = 5,6268\text{ \AA}$ ни ташкил этишини кўрсатди.

4. $(\text{GaAs})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ қаттиқ қоришмасининг сиртида ва сирти бўйлаб соҳаларда панжара қиймати $\alpha_{\text{ZnSe}} = 5,667\text{ \AA}$ бўлган 66 нмли рух селен нанокристаллар кўринишида ҳосил бўлиши, бу қиймат массив ZnSe нинг панжара ўлчами катталигига яқинлиги аниқланган.

5. $n\text{-GaP}-p\text{-(GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ нинг вольтампер характеристикаси токининг тўғри йўналишдаги даража кўрсаткичи, кучланишни турли соҳаларида ҳар хил қийматга эга бўладиган экспоненциал боғланиш билан таърифланиши аниқланди.

6. $n\text{-GaAs}-p\text{-(GaAs)}_{1-x}(\text{Ge}_2)_x$ гетеротузилмасининг фотосезгирлигининг фотонлар энергияси 1.34 эВ га тенг бўлганда максимал қийматга эга бўлишига, гетеротузилмалар қаттиқ қоришмаларини хажми ва бўлиниш чегарасида Ge_2 ва GaAs молекулаларининг ўзаро қисман ўрин алмашишлари туфайли тузилмавий ўзгаришларининг вужудга келиши сабаб эканлиги кўрсатилди.

7. $n\text{-GaP}-p\text{-(GaAs}_{1-\delta}\text{Bi}_{\delta})_{1-x-y}(\text{Ge}_2)_x(\text{ZnSe})_y$ гетеротузилмасини спектрал фотосезгирлиги кўринувчи нурлар соҳаларида ишловчи фотоэлектрон қурилмаларида фотоактив элементи сифатида фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ФИЗИКИ
ПОЛУПРОВОДНИКОВ И МИКРОЭЛЕКТРОНИКИ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

УСМОНОВ ЖОХОНГИР НИШОНБОЕВИЧ

**ФИЗИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА МНОГОКОМПОНЕНТНЫХ
ВИСМУТОСОДЕРЖАЩИХ ГЕТЕРОСТРУКТУР НА
ОСНОВЕ GaAs И GaP**

01.04.10-Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.inp.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Зайнабидинов Сирожиддин Зайнабидинович**
доктор физико-математических наук, профессор,
академик АН РУз

Официальные оппоненты: **Арипов Хайрулла Кабилович**
доктор физико-математических наук, профессор

Зикриллаев Нурулла Фатхуллаевич
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: **Наманганский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «11» 09 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте физики полупроводников и микроэлектроники при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100057, Узбекистан, г. Тошкент, ул. Янги Алмазар, дом 20. Тел.: (998 71) 248-76-94, факс: (998 71) 248-79-92; e-mail: info@ispm.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Отделе внедрения информационных технологий института. (зарегистрирована за № 27) по адресу: 100057, Узбекитсан, г. Тошкент, ул. Янги Алмазар, дом 20. Тел.: (998 71) 248-79-59; e-mail: info@ispm.uz.

Автореферат диссертации разослан «27» 08 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 27 от «27» 08 2021 г.).



 Ш.Б. Утамурадова
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

 **Ж.Ж.Хамдамов,**
ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней. PhD

 **Х.К. Арипов,**
председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время интенсивное развитие производства микро- и нанoeлектронных полупроводниковых изделий стимулируют исследования в области материаловедения и приборостроения с целью разработки новых типов материалов и структур. В этом направлении наиболее важным является получение многокомпонентных полупроводниковых твердых растворов элементарных полупроводников на основе монокристаллов бинарных соединений GaAs, GaP и других. Изучение их электрических и фотоэлектрических характеристик все более привлекает внимания ученых и производителей своими новыми, ранее неизвестными свойствами. Эти характеристики имеют особое значение в изготовлении электронных изделий с уникальными свойствами такие как высокая фоточувствительность, возможность расширения спектральной области поглощения света, увеличение срока функционирования и быстродействия.

На мировом уровне разработки технологий получения многокомпонентных многослойных полупроводниковых структур с заданными параметрами, определение состояний границ раздела между слоями, влияние наличия примесных элементов и внешних воздействий на параметры конечных продуктов являются перспективными направлениями. Поэтому многие ведущие мировые исследовательские центры уделяют большое внимание технологии получения многокомпонентных тонкослойных твердых растворов и гетероструктур, их составляющих компонентов, изучению влияния примесных атомов, температуры, излучения, влажности и других внешних факторов на электрические и фотоэлектрические свойства полученного материала и электронных изделий на их основе.

В нашей республике ведутся эффективные научные исследования по получению тонкослойных многокомпонентных полупроводниковых твердых растворов и гетеропереходов на основе кремния, германий, арсенида галлия, фосфида галлия и выявления механизмов физических процессов на поверхности и границах раздела различных слоев. В частности, достигнуты определенные результаты в получении доступных и высокоэффективных тонкопленочных гетероструктур с нанообъектами, определение их физических параметров и внедрение их в производство оптоэлектронных изделий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены задачи «стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику, ...»¹. В данном направлении создание новых типов полупроводниковых материалов – твердых растворов для разработки микроэлектронных устройств имеет особое научное значение.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 07 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента № ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2772 от 13 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию управления, ускоренному развитию и диверсификации электротехнической промышленности на 2017-2021 гг.», № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: III. «Энергия, энергосбережение, транспорт, машиностроение и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения».

